



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 8, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST
VOLUME 8, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2025

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Агамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Ganjina Azimova NOYOB KITOBLAR FONDI O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYIDA.....	5
2. Елена Гордеева СТРОИТЕЛЬНЫЕ ТРАДИЦИИ РАННИХ ЗЕМЛЕДЕЛЬЦЕВ ДРЕВНЕГО ШАША.....	11
3. Mohinur Isaqova YANGI O‘ZBEKISTONDA XALQCHIL VA INSONPARVAR DAVLAT QURISHNING IJTIMOIY-SIYOSIY AHAMIYATI.....	16
4. Pyos Oqbo‘tayev KOREYS XALQINING TO‘LJANJI MAROSIMI VA UNING TRANSFORMATSIYASI.....	22
5. Жамшид Пиримкулов ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САНОАТ ШАҲАРЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ.....	29
6. Xumora Pozilova TIRNAB BEZAK BERILGAN SOPOL IDISHLARLARNING TARIXIY ILDIZLARI, XRONOLOGIYASI, TARQALISH GEOGRAFIYASI VA O‘RGANILISHI.....	39
7. Murod Raxmatov “YANGI TURKISTON” JURNALI – MA’RIFAT VA KURASH MINBARI.....	46
8. Boburjon Teshaboyev FUQARO MUHOFAZASI VA FAVQULODDA VAZIYATLAR SOHASIDA KADRLAR TAYYORLASH TIZIMINING RIVOJLANISH BOSQICHLARI.....	51
9. Baxtiyor Xalmuratov “YOMG‘IR” RAMZI BILAN BOG‘LIQ XALQ QARASHLARI.....	58
10. Хулкар Холикулова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКISTONДА “ЛИДЕР АЁЛ” ВА “ЗАМОНАВИЙ АЁЛ” ТУШУНЧАЛАРИ.....	66
11. Шахноза Холикулова ЎЗБЕКISTONДА 1930-1940 ЙИЛЛАРДА КИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ САНОАТЛАШУВИ ТАРИХИ.....	71
12. Рашид Холмуродов ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ.....	77



Шахноза Боймухамматовна Холикулова,
Навоий давлат университети доценти
kholikulova_sh@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА 1930-1940 ЙИЛЛАРДА КИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ САНОАТЛАШУВИ ТАРИХИ

For citation: Shakhnoza Kholikulova. HISTORY OF INDUSTRIALIZATION OF CHEMICAL RESEARCH IN UZBEKISTAN IN THE 1930-1940ss. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 8.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17253293>

АННОТАЦИЯ

Мақолада 1930–1940 йилларда Ўзбекистонда кимёвий тадқиқотларнинг саноат билан уйғун ривожланиши ёритилган. Университет ва илмий муассасаларда мутахассислар тайёрлаш, Чирчикэлектрохим комбинати ҳамда йирик корхоналарда амалий изланишлар ташкил этилгани таъкидланган. Шу даврда органик ва физик кимё, нефт ва кўмир кимёси, минерал ўғитлар технологияси бўйича тадқиқотлар миллий фан ва саноат ривожига ҳисса қўшгани кўрсатилган.

Калит сўзлар: Кимё фанининг саноатлашуви, Чирчикэлектрохим комбинати, органик кимё, физик кимё, минерал ўғитлар, нефт ва кўмир кимёси, алкалоидлар, илмий-тадқиқот институтлари.

Шахноза Боймухамматовна Холикулова,

Доцент Навоийского государственного университета kholikulova_sh@mail.ru

ИСТОРИЯ ИНДУСТРИАЛИЗАЦИИ ХИМИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ В 1930-1940-Е ГГ.

АННОТАЦИЯ

В статье освещается процесс взаимодействия химических исследований с промышленностью в Узбекистане в 1930–1940-е годы. Отмечается подготовка специалистов в университетах и научных учреждениях, а также организация прикладных исследований на Чирчикском электрохимическом комбинате и крупных предприятиях. Показано, что в этот период исследования в области органической и физической химии, химии нефти и угля, технологии минеральных удобрений внесли значительный вклад в развитие национальной науки и промышленности.

Ключевые слова: индустриализация химической науки, Чирчикский электрохимический комбинат, органическая химия, физическая химия, минеральные удобрения, химия нефти и угля, алкалоиды, научно-исследовательские институты.

Shakhnoza Kholikulova,
kholikulova_sh@mail.ru
Dotsent at Navoi State University

HISTORY OF INDUSTRIALIZATION OF CHEMICAL RESEARCH IN UZBEKISTAN IN THE 1930s-1940s

ABSTRACT

The article highlights the integration of chemical research with industry in Uzbekistan during the 1930s–1940s. It emphasizes the training of specialists at universities and research institutions, as well as the organization of applied studies at the Chirchik Electrochemical Plant and major enterprises. The research conducted in organic and physical chemistry, petroleum and coal chemistry, and fertilizer technology during this period significantly contributed to the development of national science and industry.

Index Terms: Industrialization of chemical science, Chirchik Electrochemical Plant, organic chemistry, physical chemistry, mineral fertilizers, petroleum and coal chemistry, alkaloids, research institutes.

1. Мавзунинг долзарблиги:

Бугунги кунда кимёвий тадқиқотлар илм-фаннинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида қаралади. Чунки кимё фақат назарий билимларни эмас, балки ҳаётий эҳтиёжларга жавоб берадиган амалиётни ҳам қамраб олади. Кимё фани орқали инсон турмуш тарзи, соғлиги, саноат ва иқтисодийнинг кўплаб соҳалари янгича мазмун касб этмоқда.

Кимё фани замонавий ҳаётнинг турли соҳаларида муҳим ўрин тутди. Унинг тадқиқотлари янги дори воситалари, полимерлар ва наноматериаллар яратишда асосий омил ҳисобланади. Энергетикада эса водород ёқилғиси ва экологик тоза батареялар ишлаб чиқишда кимё фанининг аҳамияти катта.

2. Методлари ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум эътироф этилган методлар, жумладан тарихий-таққослаш, қиёсий-таҳлил, тизимлаштириш, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, бугунги кундаги кимё корхоналарига асос солиниш тарихидаги тадқиқотлар ҳақида ёзилган.

Ушба масала юзасидан асосан, Г. Шарифходжаева фан номзоди илмий даражасини олиш учун тадқиқот олиб борган. В.Қодиров эса, Чирчиқэлектрхим корхонасининг биринчи раҳбар кадрларидан бири сифатида қатор илмий ва публицистик тадқиқотлар олиб борган.

3. Тадқиқот натижалари: Ўзбекистон ССРда XX асрнинг 20-30 йиллари ОТМларда кимё фанини ташкил этишнинг, кимёгарларни тайёрлаш ва илмий тадқиқотларни ривожлантиришда муҳим давр бўлди. Қатор унверситетларда илмий тадқиқот институтлари яратилди. 1931 йил Ўрта Осиё давлат университетининг кимё факультети қайта ташкил этилди. Унинг таркибига икки бўлим кирар эди; унга кимёвий тадқиқотлар ва кимё-технология бўлимлари эди. Кимё-технология бўлимига А.Жданов, кимёвий тадқиқотлар бўлимига А. Шамсиев раҳбарлик қилган. Кимё-технологларни тайёрлаш техник кимё кафедраси томонидан амалга оширилди[1.23.]. Улар шунингдек кимё фани доирасидаги ёғлар технологияси, силикатлар (цемент) кимёси ва технологияси, тери ва кўнчилик-экстракция ишлаб чиқариш технологияси бўйича илмий изланишлар олиб борди. Техник кимё кафедраси негизида Ўз НИИМПром (1930) илмий тадқиқот саноат- иқтисодий институти ташкил этилиб, кейинчалик ЎзФА негизидаги Кимё илмий-тадқиқот институтига айлантирилди[2.14].

Республика ҳукумати Чирчиқэлектрхим корхонасини қурилишига тайёргарлик кўриш жараёнида маҳаллий миллат вакиллари мутахассислар тайёрлашга киришди. Ўзбекистон марказий республика ҳисобланиб, УОДУда Ўрта Осиё учун кадрлар тайёрланиш вазифаси эди.

1929/30 ўқув йилида ЎОДУда кимё факултетида кимё-технологлар учун гуруҳлар очилди ва талабалар қабул қилина бошланди. Аммо, икки йилда профессор-ўқитувчилар

етишмаслиги сабабли ЎОДУ етарли мутахассис тайёрлай олмаслиги аниқланди. Факултет декани технологлар гуруҳи талабаларини кимёгарлар гуруҳига кўчиб ўтишга ёки Москва, Иванова-Вознесенск ва Днепропетровск кимё-технологиялар институтларига боришга таклиф қилди ва улар Ўзбекистон ёшларига хайрихоҳлик билдирди. Катта курс талабалари Г.Палецкий, П.Сичков, И.Коптев, Е.Тимошова ва бошқалар Москва Ҳарбий-кимё академиясига ўқишни давом эттириш учун кетди. Я.Алиев, Ю.Ибрагимовлар академиядаги ўқишини тугатгач, Новомосковске заводида ишлади, кейинчалик Чирчиққа қайтди. 1932 йилда «Чирчиққурилиш» қурилиш трестининг ташкил этилиши муносабати билан шу йўналиш бўйича ўқишни давом эттирмакчи бўлган кимё технологларнинг икки гуруҳи «Чирчиққурилиш» раҳбарияти билан келишилган ҳолда М.Шакий бошчилигидаги бир гуруҳ (7 киши) Днепропетровск кимё-технологиялар институтига, яна бир гуруҳ (5 киши) М.Набиев, В.Ҳайдаров, В.Қодиров, К.Эшонов ва В.Камоловлар Иванова-Вознесенск кимё-технологиялар институтига кетди. Институти 1935 йилда тугатгач, Горловка азотли ўғитлар заводида амалиёт ўташга юборилди. У ерда кадрлар смена бошлиғи, аммиак, аммоний селитраси ва кучсиз азот кислотасини ишлаб чиқариш бўйича катта инженер ва бошқа ловозимларда ишлади. 1936 йилда «Химическая промышленность» журналининг «Хроника» бўлимида «Чирчиққурилиш» ҳомийлигида жўнатилган М.Набиев, В.Ҳайдаров, В.Қодиров, К.Эшонов ва В.Камоловлар Иванова-Вознесенск кимё-технологиялар институтида ўқишни муваффақиятли тугатиб, «Чирчиққурилиш»нинг ўзбек кимё муҳандисларимуддатли стажировканидан ўтганлиги ёзилди. Кейинчалик барча ўзбекистонлик муҳандислар Сталиногорск ва Горловка заводларида амалиёт ўташи анъанага айланди [3.26.].

Ўрта Осиё давлат университети фаолиятини янада ривожлантириш ва университетлар ажаратиш ва соҳаларда мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берилди. 1935-йилда Ўрта Осиё давлат университетининг кимё-технологиялар бўлимида олдинги профил (ёғлар, чарм ва силикатлар технологияси) билан бир қаторда олтингургурт, керамика, целлюлоза, виночилик, спиртли ичимликларни чекиш (спиртокурения) технологияси бўйича мутахассисларни тайёрлаш бошланди. Бу кафедрага бир қанча маҳаллий миллат вакиллари П. Усмонова, Н.Ҳалимоза, Х.Асқарова, М.Мансуров, Қ.Жўраев, А.Негматов ва бошқалар бор эди. Ўрта Осиё давлат университетининг кимё факултетига илмий ишларни ривожлантириш муҳим шартларидан бири 1934 йилда биринчилардан бўлиб ташкил этилган Д. Миндилеев номидаги Бутуниттифоқ кимёгарлар жамиятининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўлими бўлди [2.14.].

1933 йилда Ўзбекистон маҳаллий саноат илмий-тадқиқот институтининг кўмир кимёси ва силикат кимёси лабораториялари асосида Кимё институти ташкил этилди. 1943 йилда СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали қайта ташкил этилиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига айлантирилди. Бу воқеа кимё фанининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Шу вақтда институт таркибига қуйидаги лабораториялар кирган: силикат кимёси, алкалоидлар кимёси, тўйинган эритмалар мувозанати, кўмир ва нефть кимёси, органик синтез, физик ва таҳлилий кимё лабораториялари. Республика миллий хўжалигининг талабларига жавоб бериш ва янги тайёрланган илмий кадрларга таяниш натижасида Кимё институтида қатор янги лабораториялар ташкил этилди. Жумладан: табиий полимерлар кимёси ва физик кимёси, ўғитлар кимёси, пахта кимёси, коллоид электрокимё, газларни кимёвий синтези, ноёб металллар кимёвий технологияси, физика ва кимё лабораториялари. Тадқиқотнинг кимёвий усуллари, адсорбция, комплекс ва фосфорли ўғитлар, азотли ўғитлар, агрокимё, педологиянинг кимёвий технологияси, гидрометаллургия, ўғитлар кимёвий технологиясининг назарий асослари, полимерларни кимёвий модификация қилиш, шунингдек Чирчиқ синов ва ишлаб чиқариш базаси ҳам шулар жумласидандир [4.3.].

СССРда Учинчи беш йиллик даврида кўплаб илмий-тадқиқот институтлари, жумладан кимё саноати соҳасидаги институтлар ҳам фаол иш олиб бордилар. 1935 йилга келиб кимё саноати соҳасида 28 та илмий-тадқиқот институти мавжуд эди. Бу институтлар бир неча минг совет олимларини бирлаштирган ҳолда кўплаб муаммоларни ҳал этар ва муҳим ишлар билан шуғулланган. Уларнинг барчасини санаб ўтиш имкони йўқ [5.399.].

1932 йилда Ўзбекистон ССР Советлари МИҚ хурузидаги илмий тадқиқот муассалари ишига раҳбарликни бирлаштириш мақсадида, Ўзбекистон илмий тадқиқот муассасаларини бошқариш бўйича республика қўмитаси (Фан қўмитаси) тузилди. У учта бўлимдан иборат эди: математика ва табиий фанлар қўмитаси негизида умумий ва амалий кимё лабораторияси ташкил этилди. 1939 йилда ишни тўғри ташкил этиш, илмий кадр ва жиҳозлардан яхшироқ фойдаланиш мақсадида Маҳаллий саноат илмий тадқиқот институти Фанлар қўмитаси тасарруфига ўтказилди. 1940 йил январда Фанлар қўмитаси негизида СССР фанлар академияси ташкил этилди. Шу билан бирга Маҳаллий саноат институти Кимё илмий тадқиқот институти этиб қайта ташкил этилди. Фанлар қўмитасининг умумий кимё лабораторияси ҳам Кимё илмий тадқиқот институти таркибига кирди. Республикада кимё саноатининг ривожланиши ва малакали кадрлар етишмовчилигининг кучайиши муносабати билан ЎОДУнинг кимё технолагиялар кафедраси факултетга айлантирилди. Шундан сўнг Ўрта Осиё саноат институтига берилди. Кимё институтининг айрим лабораториялари асосида: Ўсимлик моддалари кимёси институти, Пахта целлюлозаси кимёси ва технологияси илмий-тадқиқот институти, ҳамда Марказий Осиё нефть қайта ишлаш саноати илмий-тадқиқот институти ташкил этилди [2.15.].

1948 йили Чирчиқэлектрхим комбинатида ўғитлар бўйича махсус илмий тадқиқот гуруҳи ташкил этилди. Бу гуруҳга муҳандис М.Н. Набиев раҳбарлик қилди, у кейинчалик академик, техника фанлари доктори бўлди. Илк кунларданоқ гуруҳ кенг ва аниқ мақсадга йўналтирилган дастур асосида иш олиб борди. Асосий мақсад аммиак селитрасининг бир-бирига ёпишиб қолиш хусусиятини камайтириш ва уни сақлаш давомида оқувчанлигини таъминлаш эди. Комбинатнинг муҳандис-техник ходимлари А.П. Милованов, М.Н. Набиев, Л.З. Новиков, А.И. Ильясов, Вишнякова, А.К. Лобачев ва В.С. Гаврилов томонидан селитрани ёпишиб қолмайдиган ҳолда олиш усули ишлаб чиқилди. Селитрага қўшимча сифатида фосфатларнинг азот-кислота асосида парчаланишидан ҳосил бўлган моддаларни қўшиш унинг ёпишиб қолишини камайтирди ҳамда таркибига озуқа элементи — фосфор ҳам киритилди [3.52.].

Ўзбекистонда биринчи беш йиллик даврида химия соҳасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, улар ҳали маҳаллий саноат эҳтиёжлари билан етарли даражада боғланмаган эди. САГУ (Ўрта Осиё давлат университети) да С.Н.Наумов раҳбарлигидаги органик кимё мактаби биринчи беш йиллик охирига келибгина бу эҳтиёжларни қондириш даражасига ета бошлади. С.Н.Наумов ташаббуси билан айрим ўзбек нефтларининг (масалан, Шорсу) кимёвий хусусиятларини ўрганиш ишлари бошлаб юборилди. 1932 йилда шу мактаб вакили А.И.Питурова соляр дистиллати крекинги бўйича тадқиқот билан чиқди. Бу тадқиқот Ўрта Осиёни маҳаллий ишлаб чиқарилган бензин ва керосин билан таъминлашни жадаллаштириши айtilди. Ушбу иш йўналиш кўрсатувчи аҳамиятга эга бўлиб, унда нафақат бирламчи ва иккала қайта ишлаш, балки учламчи крекингнинг ҳам иқтисодий фойдалилиги аниқ кўрсатилган[6.70.]. С.Н.Наумов лабораториясида шунингдек, Ўрта Осиёдаги тепаликлардаги селитра чиқиндаларидан фойдаланиш масаласи ҳам И.П.Цукерваник билан ҳамкорликда ўрганилди. Тан олиш керакки, иккинчи беш йиллик бошлангунигача кимё фан соҳасида олиб борилган ишларининг кўп қисми маълум бир даражадаги, кўпинча яхши ният билан қилинган бўлса-да, соддалиги ва маҳаллийликдан узилмаганлиги билан ажралиб турарди. Албатта, ўша даврда юқори даражали тадқиқотлар ҳам бор эди, аммо кўпчилик илмий ишлар мавзуси, услуби ва натижаларининг аҳамияти жиҳатидан маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишлар доирасидан чиқмаган эди [7.11.]. профессор С.Н.Наумовга Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Президиуми Ўрта Осиёнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиргани, илмий-тадқиқот ишлари, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасидаги самарали фаолияти ҳамда ЎОДУ ва Илмий-тадқиқот кимё институтини ташкил этиш ва мустаҳкамлашдаги ташкилотчиликларини ютуқларини ҳисобга олган ҳолда, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Президиуми қарори билан СССР Вазирлар Совети ҳузурида профессор С.Н.Наумовга фахрий унвон бериш ва унга тегишли имтиёзлар белгиланди [6.1.].

1939 йил 22 октябрда ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети томонидан "Маҳаллий саноат илмий-тадқиқот институти"ни ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Фанлар қўмитаси тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу қарор, илмий ишларни тўғри йўлга қўйиш, илмий кадрлар ва жиҳозлардан самарали фойдаланиш мақсадида қабул қилинган эди. Асосий мақсад эса бу институтни кимё институтига реорганизация қилиш эди. Аммо, Фанлар қўмитаси Ўзбекистон ФА (ЎзФА) филиалига айлантирилгунга қадар бу реорганизация амалга оширилмади. Фанлар қўмитаси бир неча бор ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети ва КП(б) Ўз Марказий Қўмитасига мурожаат қилиб, қўмита жуда оғир ва танқидий аҳволда эканини билдирган. Бу муаммонинг сабабларидан бири Фанлар қўмитасининг СССР Фанлар академияси тизимига кирмаганлигидир. Шу муносабат билан 1939 йил сентябрида ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети ва КП(б) Уз Марказий Қўмитаси томонидан Фанлар қўмитаси негизида СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиалини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу филиалнинг асосий вазифаси Ўзбекистонда фаннинг янада ривожланишини таъминлаш ва республикадаги илмий муассасалар фаолиятини СССР Фанлар академияси билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш эди. СССР Халқ Комиссарлари Совети ва БК(б)П Марказий Қўмитасига таклиф юборилиб, унда ЎзССР Фанлар қўмитаси қошидаги илмий-тадқиқот муассасалари асосида Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиалини ташкил этиш сўралган. Бу мурожаатда, баъзи камчиликларга қарамай, Фанлар қўмитасининг илмий-техник базаси баъзи республика академиялари ва СССРнинг бошқа филиалларига нисбатан анча ривожланган ва таъминланганлиги таъкидланган эди. 1940 йил январь ойида ЎзССР Фанлар қўмитаси негизида СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали ташкил этилди. Шу билан бирга, Маҳаллий саноат институти ҳам қайта ташкил қилиниб, Илмий-тадқиқот институти сифатида фаолиятини давом эттирди [7.6-7.]. 1939 йил Ўрта Осиё иқтисодий ишлар президиум кенгашининг ЎОДУ кимё факультети базасида қўйидаги бўлимларга эга Ўрта Осиё химия-технология институтини ташкил этиш тўғрисида қарори қабул қилинди: Минерал ўғитлар кимёси, Чарм кимёси, кимё технологияси: эфир ёғи, каучук Ёғ-мой кимёси, Кўмир қизиқ олиш ва нефт хом ашёси кимёси, Қурилиш маҳсулотлари (ғишт, цемент) ишлаб чиқариш кимёси йўналишлари ташкил этилди [8.41.].

Бир қатор олимлар ўз фаолиятлари давомида кимё саноатини ривожлантириш учун фаннинг турли соҳаларида ўз тадқиқотларини сафарбар қилди.

1933 йилда Ўзбекистон органик кимёчилари ўсимлик ресурсларини ўрганишни бошладилар. Шунинг таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг бой ўсимлик дунёси (флораси)ни ўрганиш ишлари 1930-йилларга қадар асосан ботаниклар томонидан олиб борилган, аммо ўсимликларни амалиётда қўллаш муаммоси ечимини топмаган эди. ЎОДУ ва Фанлар қўмитаси кимёчилари икки йўналишда тадқиқот ишларини олиб бордилар. Кимё фанининг тарихида катта ўрин эгаллаган олимлар борки, уларнинг тадқиқотлари республика кимё саноати ривожига катта таъсир кўрсатди. Аграр ва органик кимё соҳасидаги асосий саноат йўналишини ривожлантиришда қўйидаги олимларнинг ҳиссаси беқиёс бўлди: А.В. Ломонов, Х. Банекакай, С. Сарос, Р.А. Адшод, Г.В. Деркунонал ва бошқалар. Физик кимё-кимёвий технология билан узвий боғлиқ фан ҳисобланади. Кимёвий жараёнлар механизмларини ўрганиш ва реакциялар тезлиги константаларидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқариш жараёнларини ва реакторлар конструкцияларини илмий асосда оптималлаштириш мумкин. Ўзбекистонда физик кимёнинг ривожланиши, кислоталар, тузлар ва асосларнинг янги назариясининг юзага келиши, ҳамда физик-кимёвий таҳлилнинг янги усуллари ишлаб чиқишда М.И. Усанович, Р.К. Қодиров, Х.У. Усмонов, Е.И. Калабановская, Х.Р. Рустамов, Т.И. Сушкевич, Т.Н. Сумарокова ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. Ўзбек органик кимёчилари томонидан олиб борилган тадқиқотлар халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлган органик моддаларнинг бутун бир туркумини яратишга олиб келди. Бу соҳада С.Н. Наумов ва унинг мактаби муҳим ўрин тутди. Ўсимлик моддалари кимёси бўйича Ўзбекистонда янги йўналишга асос солган олимлар Г.В. Лазурьевский, С.П. Гнусов, А.С. Садыков бўлиб, уларнинг ишлари нафақат мамлакатда, балки хорижда ҳам

этироф этилган. А.С. Садыковнинг алкалоидлар кимёси соҳасидаги тадқиқотлари тиббиёт ва қишлоқ хўжалигида кенг қўлланиш топди. Фторидлар кимёси соҳасида кимё-аналитик Н.Т. Талиповнинг тадқиқотлари машхур. У томонидан церий, хром, алюминий ва титанни аниқлаш учун ҳажмли, спектрофотометрия ва бошқа усуллар ишлаб чиқилди ва лаборатория ҳамда саноат тадқиқотларида кенг қўлланилди. Коллоид кимё соҳасида О.Й. ва Б.Г. Бахрометовларнинг ишлари асосий базага айланиб, Ўзбекистонда ушбу фаннинг ривожига асос яратди [2.15.].

Хулоса қилиб айтганда, 1930-1940-йилларда Ўзбекистонда кимёвий тадқиқотларнинг саноат билан уйғун ривожланиши нафақат миллий фан тараққиётида, балки мамлакат иқтисодиёти ва саноатида ҳам янги босқични бошлаб берди. Университетлар ва илмий тадқиқот институтлари негизида маҳаллий мутахассислар тайёрланиши, Чирчиқэлектрохим комбинати ва турли йирик саноат корхоналарида амалий изланишларнинг йўлга қўйилиши республиканинг стратегик салоҳиятини мустаҳкамлади. Шу даврда олиб борилган илмий изланишлар органик ва физик кимё, ўғитлар технологияси, нефт ва кўмир кимёси, алкалоидлар ҳамда ноёб моддалар тадқиқотини қамраб олди.

Мазкур жараёнлар ўзбек олимларининг фанга қўшган бекиёс ҳиссасини намоён этиб, уларни жаҳон илмий ҳамжамиятида муносиб ўринга чиқарди. 1930-1940-йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, кимё фанининг ҳар бир ютуғи амалиёт билан боғланганда, у миллий саноатни ривожлантириш ва халқ хўжалиги эҳтиёжларини таъминлашда ҳал қилувчи омилга айланади. Демак, бу давр Ўзбекистонда кимё фанининг саноатлашув тарихи учун пойдевор вазифасини ўтаган ва кейинги тараққиёт босқичларига йўл очган.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Есянова Л.Н. Актуальная проблемы химической науки и промышленности. – Москва: 1973. Знание, 1973.
2. Шарифходжаева Г. История становления и развития химической промышленности Узбекистана (1917-1945гг). автореф. Канд. Ист.СССР наука и техн. Ист.СССР. – Ташкент. 1991г
3. Кадыров В. Становление химии в Республике Узбекистон. –Ташкент., 1995.
4. Институт химии академик наук УзССР. – Ташкент: «Наука
5. Лукьянов П. Краткая история химической промышленности СССР. –Москва. Изд АН СССР. 1959г.
6. О‘зМА. F-R9. R-1. YJ- 516.
7. О‘зМА. Fond-1, ro’uxat-1, YJ -1383.
8. О‘зМА. F-P9. R-1. YJ-380.



Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000